БАЪЗИ МАТБУОТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ТАДҚИҚИ

Тоғоймурод Панжиевич БЕКМУРОДОВ
стажёр-ўқитувчи
Алишер Навоий номидаги
ўзбек тили ва адабиёти
университети
Тошкент, Ўзбекистон
bekmurodovtogaymurod@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада бугунги кунда матбуот соҳасида истеъмолда бўлган баъзи терминларнинг тадқиқи ёритилган.

Таянч сўзлар: асимметриктрафик, асинхрон узатиш, аудит, ахборий табақаланиш, ахборот бутунлиги, ахборот инфратузилмаси, ахборот жинояти, ахборот инқилоби, ахборот истеъмолчиси, ахборот конфидентсиаллиги, ахборот иқтисодиёти, ахборот маҳсулоти, ахборот ресурси.

ИССЛЕДОВАНИЕ НЕКТОРЫХ ТЕРМИНОВ ПЕЧАТИ

Тогоймурод Панжиевич БЕКМУРОДОВ
Преподаватель-стажёр
Университет
узбекского языка и литературы
Ташкент, Узбекистан
bekmurodovtogaymurod@gmail.com

Аннотация

В этой статье исследуются некоторые термины, используемые в настоящее время в сфере печати.

Ключевые слова: асимметриктрафик, асинхронная подача, аудит, информационная дифференцияация, цельность информации, информационная инфраструктура, информационное преступление, информационная революция, информационный потребитель, конфиденциальность информации, информационная экономика, информационный ресурс.

Бугунги кунда давлатлар ўртасидаги турли хил иқтисодий ва маънавий-марифий соҳалардаги алоқалар натижасида тилимизга кўплаб янги терминлар кириб келмоқда. Бу каби янги кириб келаётган ва шу ернинг ўзида шаклланаётган терминларни шу соҳа вакилларига тушунарлилигини ва истеъмолга яроқлилигини таминлаш мутахассисларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу мақсадга эришиш йўлида турли

соҳалардаги терминларни ва улар англатаётган маъно ўртасидаги алоқадорликни мувофиқлаштиришни кўзлаб тадқиқотлар олиб бориш жадал тус олганлигини такидлаш керак. Тилнинг ижтимоий эволюциясида шаклланаётган ёки заволга юз тутаётган терминларнинг тақдири, шу терминлар ишлатилаётган соҳанинг тақдири билан чамбарчас боғликдир. Бу жараён бизга қайси даврда ёки қайси бир ҳудудда бўлмасин, энг ривожланган соҳа энг фаол ва энг кўп қамровга эга бўлган терминлар базасини ўзида шакллантирган бўлади деган фикрни илгари суришимизга асос бўлади. Жамият соҳалари ва терминлар тараққиёти ўртасида алоқадорлик аниқ бир системада яшаётганлигини кўриш мумкин. Д.С.Лоттенинг ишларида терминга алоҳида белги сифатида эмас, балки аниқ системанинг аъзоси шаклида қараш, муносабатда бўлиш зарурлиги таъкидланган. Унинг фикрига мувофиқ мазмун планидаги системли муносабатлар терминларнинг систем характерга эгалигини белгилайди. Терминларнинг терминлар системасидаги ўрни, мавқеи муайян тушунчанинг тушунчалар системасидаги ўрни, мавқеи билан аниқланади [5].

Терминология турли-туман мактаб, илмий йўналиш ва аниқ фикрларга хос кетегориал аппаратни ифодаловчи, терминлар системасига бирлашган махсус тушунчалар йиғиндиси, мажмуи тарзида қаралади [3]. Шундай ортга қайтмас даражада ривожланаётган соҳалардан бири бу матбуотдир. Матбуот дунёда гегемон бир систимавий соҳага айланди ва у кун сайин ривожланиб бормоқда. Бу эса шу соҳа вакилларининг янада илмли ва салоҳиятли бўлишини тақазо этади. Шу билан биргаликда, шу соҳада тадқиқотлар қилиш ҳар қачонгидан муҳимдир.

Шу жумладан, жаҳон матбуот соҳасида ўз муносиб ўрнига эга бўлган Германияда ҳам журналистларнинг малакасини ошириш мақсадида олий курслар ташкил этилган. Бу орқали соҳада янги пайдо бўлаётган ва олдиндан мавжуд бўлган терминларни мутахассис сифатида яхшироқ англаш ва аҳамиятли тадқиқотлар олиб бориш салоҳиятини шакллантириш кўзда тутилган. Германияда Олий мактаб бўлажак журналистларни амалий

фаолиятга суст тайёрлашини ҳисобга олиб, бир қатор университетлар уларни ўқитишни амалий иш билан олиб боришмоқда. Айрим йирик нашриёт ва газеталар ўзлари учун малакали журналистлар тайёрлаш мақсадида курслар ташкил этишган. “Франкфурт Аллгемайне” газетаси таҳририятида бўлганимизда журналистлар ўқитишни қандай ташкил этилганлиги билан яқиндан танишдик [6].

Бу ишлар матбуотда вужудга келаётган янгиликлар, хусусан терминлар устида тадқиқодлар олиб боришга ундади ва бу соҳадаги баъзи терминларни тадқиқ қилишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Булар қуйдагилардир:

Асимметрик трафик – ахборотни тўғри ва тескари йўналишларда ҳар хил тезлик билан узатиш. Ассимметрик рақамли абонент линияси рақамли кўп тонли сигналдан (ДМТ) ёки САП-кодлашдан фойдаланиб, битта ўралган жуфтлик бўйича ишлаш учун мўлжалланган, юқори тезликли кира олиш канали. АДСЛ модеми тўғри каналда 6,144 Мбит/секундга тенг бўлган максимал тезлик билан узатишни таъминлайди. Тескари каналда, маълумотларни дуплекс режимда узатишда, максимал тезлик 640 Кбит/секунддан ошмайди.

Асинхрон узатиш – маълумотларни биттама-битта белги билан узатиш учун қўлланиладиган узатиш услуби. Бунда белгиларни узатиш орасидаги муддат тенг бўлмаслиги мумкин. Ҳар бир белгидан олдин бошланиш бетлари келади, белги узатишнинг тугаши эса тўхташ битлари билан белгиланади. Баъзан ушбу узатиш услубини бошла-тўхта (старт-стоп трансмиссион) услуби дейилади.

Аудит – ташкилотни ва ахборотни муҳофазалаш самарадорлигининг ўрнатилган талабларга ва меъёрларга мослигини аниқлашга қаратилган махсус текширув.

Ахборий табақаланиш - энг янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда бир хил имкониятлар йўқлигидан келиб

чиққан ижтимоий табақаланишнинг янги тури; ахборот тузилмалари, воситалари ва уларнинг фуқаролар орасида текис тақсимланиш жараёнлари тақдирини фуқаролик ҳуқуқлари ва фаровонлик масалалари билан боғловчи тамойилларни қўллаб-қувватловчилар учун тавсиф атамаси; цивилизация ривожланишининг янги муаммоси. Унинг мазмуни шундаки, жамиятни ахборотлаштириш жараёнида пайдо бўлаётган янги юқори автоматлаштирилган ахборот муҳитидан фойдаланиш имкониятларининг жаҳон ҳамжамиятининг алоҳида кишилари, ташкилотлари, минтақалари ва мамлакатлари учун бир хил даражада бўлмаслигидир.

Ахборот бутунлиги – 1) Ахборот ва уни ташувчининг ҳолати. Бутун ахборот ва унинг алоҳида таркибий қисмлари бўлинмаслигини таъминлаш ҳамда уларни рухсатсиз қасддан йўқ қилиш, бўлиб талқин қилиш, сизиб чиқиб кетиш, ўғирлаш, қалбакилаштириш ва алмаштириб қўйишни, олдиндан бартараф қилиш назарда тутилади.

2) Ҳисоблаш техникасининг ёки автоматлаштирилган тизимнинг тасодифий ва (ёки) қасддан шикастлантириш (барбод қилиш) шароитида, ахборотнинг ўзгармай қолишини таъминлаш қобилияти. Ахборот бутунлигини таъминлаш учун уч услубдан фойдаланилади:

- ёпиқ каналларни яратиш;

- маршрутлашни кузатиб бориш;

- маълумотлардан фойдаланишни бошқариш.

Бутунлик криптография ёрдамида ҳам таъминланиши мумкин. Бундан ташқари бошқа усуллар ҳам мавжуд. Масалан, чоп этилган маълумотларга электрон имзо қўшиб қўйиш, маълумотларни такрорлаш, назорат қийматини қўшиб қўйиш.

Ахборот инфратузилмаси – 1) Ахборот ресурслари, жумладан ахборот хизматлари ва оммавий ахборот воситаларини шакллантириш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш тизими. 2) Мамлакатнинг ахборот макони

ҳамда фуқаролар ва ташкилотларнинг ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминловчи ахборий алоқада ўзаро ишлаш воситаларининг фаолияти ва ривожланишини таъминловчи жами ташкилий тузилмалар. 3) Ахборот макони тузилмасининг ушбу маконда ахборот оқимлари яратилиши ва айланишини таъминловчи қисми. Ахборот инфратузилмасининг асосий белгилари: инфратузилма элементларининг сифатга оид ва миқдорий таркиби; элементларнинг маконда жойлашиши ва ўзаро алоқаси; элементлар ва бутун инфратузилманинг ахборот самарадорлиги ва ўтказиш қобилияти. Ахборот инфратузилмасининг асосий элементлари: телекоммуникациялар; ахборот тармоқлари; ахборот ресурслари; ахборот соҳасида хизмат кўрсатиш тизимлари. Қўшимча элементлари: ахборот инфратузилмасининг ривожланиши ва фаолиятини таъминлаш тизимлари [1].

Ахборот жинояти **–** ғаразли ёки безорилик мақсадларида амалга ошириладиган, ахборот тизим ва тармоқларида ахборотни ўғирлаш ёки бузишга қаратилган атайин қилинган жинояткорона ҳаракатлар.

Ахборот инқилоби **–** 1) Ахборотнинг асбобий асоси, уни узатиш ва сақлаш усуллари ҳамда халқнинг актив қисми учун фойдаланиш мумкин бўлган ахборот ҳажмининг кескин ўзгариши.

2) XX асрнинг охирги чорагида юз берган ахборот-коммуникация технологияларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларига кўрсатган инқилобий таъсирини ифодаловчи истиора. Ушбу ҳодиса ахборот соҳасидаги ундан аввалги инқилобий ихтиролар (китобларни босиш, телефония, радио алоқаси, шахсий компьютер) таъсирларини бирлаштиради, чунки ахборотни узатишда хоҳлаган масофаларни ўтиш ва шу туфайли инсониятнинг ақлий қобилиятлари ва маънавий кучларининг бирлашиши учун технологик асос яратади.

Ахборот истеъмолчиси – ўз эҳтиёжларини қондириш (билимларни ошириш, таълим олиш, қарорларни қабул қилиш ва ҳ.к.) мақсадида ахборотга муҳтож, уни изловчи ва олувчи шахс ёки шахслар.

Ахборот конфиденциаллиги – 1) Ахборот ва унинг ташувчисининг ҳолати. Бунда ахборот билан рухсатсиз танишишнинг ёки уни рухсатсиз ҳужжатлаштиришнинг (нусха кўчиришнинг) олдини олиш таъминланган.

2) Ахборот учун субъектив равишда аниқланадиган, қўшиб ёзиладиган тавсифнома. Бу ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар даврасига чекловлар киритиш заруратини кўрсатади. Тизим (муҳит) мазкур ахборотни ундан фойдаланиш ҳуқуқига эгалик ваколатлари бўлмаган субъектлардан сир сақлаш қобилияти билан таъминланган бўлиши шарт. Конфиденциаллик икки йўл билан таъминланади. Биринчиси, ахборот билан ишлаш ҳуқуқига эга бўлган фойдаланувчилар доирасини чеклаш. Иккинчиси, ахборотни шифрлаш, яни ахборотнинг мазмунини фақат шифрлаш калитига эга бўлган фойдаланувчиларгина тушуна оладиган шаклда ифодалаш.

Ахборот иқтисодиёти – глобал ахборотлаштириш жараёнининг ривожланиши туфайли пайдо бўлган иқтисодиётнинг янги сектори. Ўз ичига ахборотлаштириш воситаларини ҳамда ахборот маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқариш ва ахборот бозорини олади. Ахборот саноати алоҳида давлатлар ва дунё иқтисодиётининг янги соҳаси. Илмий ва технологик инқилобнинг иккинчи даврида пайдо бўлган, у катта ҳажмдаги ахборот ишларига ва унинг жаҳон иқтисодиётидаги ролига жуда юқори баҳо берилишига қарамай, ривожланаётган саноат бўлиб қолмоқда. Ҳозиргача ушбу ёш саноатнинг ягона, умуман қабул қилинган номи (“ахборот индустрияси]”, “информатика индустрияси”, “саноат”) мавжуд эмас. “Ахборот хизматлари” ва ҳоказо.). Шунингдек, уни ишлаб чиқариш таркибига ягона ёндашув мавжуд эмас. Буларнинг барчаси аксарият штатлар расмий маъумотномаларида саноат маълумотлари йўқлигини тушунтиради.

Ахборот маҳсулоти – 1) Ахборот жараёнларининг моддийлаштирилган натижаси, ҳужжатлаштирилган ахборот. У давлат

ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган.

2) Бу: айирбошлаш ёки сотиш учун яратилган ахборот маҳсулоти; сотув предмети сифатидаги ахборот хизмати; ахборот фаолиятини таъминловчи маҳсулот (сотиш учун ишлаб чиқарилган ахборот воситалари ва техникаси).

3) Маҳсулот шаклида тақдим этилган барча турдаги ахборот ресурслари, дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базалари ва банклари ҳамда бошқа ахборот.

4) Ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулот ёки хизмат сифатида моддий ёки электрон шаклда кейинчалик тарқатилиши учун тайёрланган жами маълумотлар.

5) Маълум шахснинг фаолияти натижаси бўлмиш ахборот. Ахборот маҳсулоти ўз ичига қуйидагиларни олади: ахборот (маълумотлар, билимлар); ахборот ташувчилари; ахборот воситалари ва техникаси; ахборот фаолиятини таъминловчи маҳсулотлар.

Ахборот ресурси – 1) Ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси (қонун). 2) Алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатлар массивлари, ахборот тизимларидаги (кутубхона, архив, жамғарма ва маълумотлар банклари, бошқа ахборот тизимлари) ҳужжатлар ва ҳужжатлар массивлари. 3) Ахборот тизимларидаги (кутубхона, архив, жамғарма ва маълумотлар банклари ҳамда депозитарий, музей ва бошқалар) ҳужжатлар ва ҳужжатлар массивлари. 4) Маълумотлар ва билимлар базалари, ахборот тизимларидаги бошқа ахборот массивларини ўз ичига олувчи ташкиллаштирилган жами ҳужжатлаштирилган ахборот.

Юқоридаги терминлар матбуот соҳасида яқин беш йил ичида кириб келган терминлар бўлиб, кўпчилиги истеъмолда фаол эмас. Айнан шу фаолсизликни бартараф этиш, термин ва у англатаётган тушунча ўртасидаги масофани яқинлаштириш мақсадида тадқиқотлар вужудга келмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, ҳозирги пайтдаги матбуот соҳасида фаолият юритаётган мутахасислар ижтимоий ҳаётнинг ва унга параллел равишда ривожланаётган тилнинг табиатини ҳис қилган ҳолда фаол тадқиқотлар олиб боришни вазиятнинг ўзи тақазо қилмоқда. Бунга сабаб шуки, терминалогия ўзи қўлланаётган соҳа билан пойма-пой ривожланадиган соҳадир. Бу узлуксиз равишда янгиланиб, бойиб боради деганидир.

Бугунги кунда матбуот соҳасидаги терминлар энг фаол янгиланиб турадиган терминлар сирасига киради. Бу ўзига яраша маълум бир қийинчиликларни ва мураккабликларни юзага келтиради. Бу мураккабликларни ойдинлаштириш жаҳон терминалогияси сферасида фаолият юритаётган мутахассисларнинг асосий вазифалари сирасига киради. О.Винокурнинг фикрича, термин – ҳар доим аниқ ва равшан. Терминлар системаси тили онгли шакллантирилади. Зеро, термин ўз-ўзидан, стихияли тарзда пайдо бўлмайди, балки зарурлиги, жамиятда унга эҳтиёж мавжудлиги боис яратилади [2]. Бу фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, дастлаб матбуот ривожланади ва янги жиҳатлар вужудга келади. Бу жиҳатларни терминлаштириш эҳтиёжи туғилади. Натижада турли терминлар шаклланади. Янги шаклланган терминлар ҳар доим мутахассисларнинг диққат марказида бўлмоғи даркор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Амиров Д.М. Атаджанов А.Ю. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғат. – Тошкент, 2010. – 576 б.
2. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии. Труды МИФЛИ. Т.5. Сборник статей по языкознанию. – Москва, 1961. – С.3-10.
3. Дадабоев Ҳ. Ўзбек терминологияси. – Тошкент: Фан, 2019. – 141 б.
4. Даниленко В.П. Русская терминология. Опит лингвистического описания. – Москва: Наука, 1977. – 461 б.

5. Лотте Д.С. Очередные задачи технической терминологии. Т.1. – Москва: Московский лицей, 1994. – 530 б.
6. Раҳматуллаев Т. Матбуот ва демократия. – Тошкент: Фан ва технология, 2002. – 160 б.
7. Юлдашев И. Ўзбек китобатчилик терминологияси: шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш. Филол. фан. докт. дисс.автореф. – Тошкент, 2005.
8. ***www.aim.uz***
9. ***www.ziyonet.uz***
10. ***www.kitob.uz***